

Turkiston

1925-yildan chiqsa
boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY
HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 26 YANVAR, shanba
№ 11 (14502)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎГРИСИДА

Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя килинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқицдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

2. Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича она-ларга бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январи-

дан бошлаб эса 200 фоизи миқдорида белгилансин.

3. 16 ёшгача болалари бўлган нафака оловчи оиласлар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар колледжарida ўқий-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь

И. Каримов

диган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтоҷ оиласлар ҳам шу тоифага қўшимча равища киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 марта даги ПФ-1383-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичидаги ушбу Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ 2002-2003 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI ТЎГРИСИДА

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрдаги 306-II-сон қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Белгилаб кўйилсан, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланади. 2. Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оиласларга мансуб ўкувчиларни кулагина синфларнинг ўкувчилари билан бир катorda, шунингдек юкори синфларнинг кам таъминланган оиласларга мансуб ўкувчилари ҳам бепул қиши кийим-бош

дан бошлаб кам таъминланган оиласларга мансуб ўкувчиларнинг камиди 75 фоизини, 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб зса - кам таъминланган оиласларга мансуб ўкувчиларнинг 100 фоизини дарсликлар билан таъминлаш на-

зарда тутилсин.

3. Етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган тўлиқ давлат таъминотидаги болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш: улар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётгандага ишга жойлаштаётгандага кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўлана-

диган нафақалар миқдорини 2002 йилда - энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 80 бараваригача, 2003 йилда - 100 бараваригача, шунингдек пул нафақасини 2002 йилда - энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилда - 5 бараваригача миқдорда ошириш;

ўқув муассасаси яаша жойидан узоқ ма-софада жойлашган холларда бюджет маблағлари ҳисобига имтиёзли транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш йўли билан кучайтирилсан.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КАРОРИ

АЁЛЛАР ВА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКAMЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИRLAR TЎГРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этади, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишини кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар мавқенини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Оила институти мустаҳкамланмоқда, чакалоқлар ўлими камаймоқда, тургук ёшининг таркиби яхшиланмоқда, аҳолининг узок умр кўриши даражаси ўсмокда.

Шу билан бирга, республика миңтақалари бўйича аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичларининг таҳлили кўрилаётган чора-тадбирлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, Бандиҳон, Бахмал, Чирокчи, Кўшработ туманлари ва бошқа туманлар аҳолисининг репродуктив соғлиги кўрсаткичлари республика ўртача кўрсаткичларидан кўпроқ орка-да қолмоқда.

Оиласларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиласларнинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича доимий ишловчи Ҳукumat комиссияси таш-

кил этилсан.

Комиссияга куйидаги функциялар юклансин:

- митакалар ва худудлар бўйича демографик вазиятни, репродуктив саломатликни яхшилаш

юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш, ушбу жараёнларнинг ижобий ривожланишига тўсқинлик қилаётган

муаммоларни ҳал этиш; репродуктив саломатликни, ёшлар ва оиласларнинг тиббий маданиятини, соғлом болалар туғилиши ва уларни тар-

(Давоми 2-бетда)

МАСЬУЛЛИК

Тўғриси, жуда хаяждаман. Мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий воқеанинг иштирокчиси бўлаётганимдан фуурланаман. Референдумда кўйилган масалалар ҳақида тўла маълумотга эгаман. Матбуот орқали кўп фикрлар билан танишдим. Бу борада ўз холосамга эгаман. Эртага барча тенгдошларим қатори референдумда кўйилган саволларга ўз муносабатимни билдираман.

Севара НАЗАРХОН,
«Ниҳол» мукофоти совриндори

МУҲИМ ВОҚЕА

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа юз бермоқда. Референдумда юртимизнинг янада тараққий этиши, янада гуллаб яшнаши учун овоз берарканман, шу муҳим воқеада иштирок этаётганимдан фуурланаман.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

ЁШЛАР ФИКРИ

Шахноза Тошпӯлатова — Тошкент Давлат Ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти талабаси:

— Ростини айтсан, жуда хаяждаман, чунки референдумда ижтимоий ҳаётидаги оид масалага илк бор аралашаман. Референдумда кўйилган ҳар икки савол устида чукур ўйладим, аниқ холосага келдим. Икки палатали парламентнинг жорий этилиши мамлакатимизда демократик тамоиллар янада мустаҳкамлани бораётганидан далолат беради.

Оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёртилаётган референдумдун ўтказилишига доир барча материаллар ва ахборотларни қизиқиб ўқияпман. Жамиятимизнинг сиёсий ҳаётида қандай янгилик ёки қандай қарор, қандай Фармон қабул қилинмасин, уларнинг барчаси бир мақсадга қаратилган, яъни фуқароларнинг яхши яшashi, эркин меҳнат қилиши, осуда ва фаровон турмуш кечириши билан боғлик.

Ушбу референдум барча қатори менинг ҳаётидаги ҳам учмас из қолдиради. Референдумда иштирок этиш, муносабат билдириш масъулиятини хис этиб турибман. Кўйилган саволларга муносабатимиз келажагимизга дахлдорлигини яхши биламан.

Бахром ҚАМБАРОВ — Тошкент Давлат Аграр университети талабаси:

— Мен ва тенгдошларим референдум воситасида ўз келажагимизни танлаймиз, десам янглишмайман. Биз, ёшлар албатта келажагимиз порлоқ бўлишини истаймиз. Демак, шуни ўйлаб, референдумда белгиланган масалаларга ўз муносабатимизни билдирамиз.

Нилуфар Жабборова — Ўзбекистон Миллий университети талабаси:

— Эртага биз референдумда қатнашамиз. Тўғри, референдумда кўриладиган масалалар ҳақида тегишли сайлов участкаларидағи вакиллардан керакли маълумотларни олдик. Бу эса референдумга керакли тайёргарлик билан келишимизнинг бosh омили бўлди.

Дилафрўз Зоирова — Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети талабаси:

— Мен референдумда кўйилган масалалар билан батафсил танишдим Икки палатали парламент давлатимизнинг яна бир ютуғи десак, муболага бўлмайди. Қонунларнинг янада мукаммалроқ бўлишида кўш палатали парламентнинг ўрни катта.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ 2002-2003 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Белгилансинки, қақалокни ўз тарбиясига (патронат) олган тутинган ота-оналарга олинган ҳар бир қақалоқ учун энг кам ойлик иш ҳақининг З баравари міндорида ҳар ойлик нафақа берилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тарбиялаш (патронат) учун оиласарга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан бир йула таъминлашнинг болаларнинг ёшига қараб кийим-бош ва пойабзал бериш нормаси ва рўйхатини белгилайдиган тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсанки:
тутинган ота-оналарга ҳар

ойлик нафақа тўлаш ҳамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан бир йула таъминлаш харажатлари Коракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан, маҳаллий ҳокимият органларининг тегишли қарорлари асосида, маҳаллий бюджетларнинг заҳира маблағларидан маблағ билан таъминланади;

маблағ билан таъминланадиган харажатлар міндори Коракалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни халқ таълими бошқармалари томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар асосида, тегишли молия органлари билан келишган ҳолда белгиләнади;

тўлов Коракалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни халқ таълими бошқармалари орқали амалга оширилади.

5. Кишлөк жойларда ишлайдиган ўқитувчиларнинг ахборот билан таъминланган лигини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги 2002 йил 1 январдан бошлаб (кишлөк жойлардаги) умумтаълим

мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг кутубхона фонди ўнтағача турдаги газета ва журнallарга, асосан республика оммавий ахборот воситаларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига мажбурий обуна қилинишини таъминласинлар.

6. "Махалла" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариши қилиш бўйича ойлик нафақа тайинлаш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинисин, бунда оиласарга мазкур нафақага муҳтоҷлигидан келиб чиқилсан. Мазкур нафақани тайинлашда ижтимоий адолат, очик-оиддинлик ва ошкоралик принципларига риоя қилиниши таъминлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, "Махалла" жамғармаси Халқ банки билан биргаликда оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариши қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни, унда оиласарнинг мазкур на-

фақага муҳтоҷлигини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

иш стажи бўйича чеклашнинг олиб ташланиши муносабати билан қайта кўриб қиқилиши керак бўлган пенсиялар міндорини икки ҳафта муддатда қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқсин;

Молия вазирлиги, Макроинтисидёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда оиласий тадбиркорликни маблағ билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда уларга тижорат банклари орқали, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа молиявий барқарор нодавлат, нотижорат ташкилотлари кафиллиги остида гаровсиз асосда микрокредитлар берилишини назарда тутсин.

8. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларни Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ҳамда "Махалла" жамғармасининг

**Вазирлар Махкамасининг
Раиси**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь

И.Каримов

минтақавий бўлимлари билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига уларга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш, оиласарларга нафақалар белгилашда ижтимоий адолатни таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳар томонлама амалий ва методик ёрдам кўрсатиши ташкил этишинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилсан.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар киритилсан.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Х.Кароматов зими масига юклансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ

ҚАРОРИ

АЁЛЛАР ВА ЎСИБ ҚЕЛАЁТГАН АВЛОД СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми.

Боши 1-бетда)

биядашни яхшилаш бўйича устувор йўналишлар ва чора-тадбирларнинг мақсадли йўналишини ишлаб чиқиш;

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оиласи мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга оширишда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, барча даражалардаги ҳокимлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг фаoliyatiни мувофиқлаштириш;

ҳар бир қишлоқ туманида ва шаҳарларда соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишини кучайтириш, оиласарни мустаҳкамлаш бўйича ҳар йилги комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва бажарилишининг мониторинг олиб борилишини назорат қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллий телевидение, радио, бошқа оммавий ахборот воситаларига улар томонидан аҳоли билан, айниқса аёллар, никоҳга кирувчи ёшлар билан соғлом оиласи шакллантириш

муаммолари, бош вазифа: соғлом она - соғлом бола принципини амалга оширишда кўмаклашиш; аёлларнинг исталмаган ҳомиладорлигининг олдини олиш ва профилактикаси воситаларига бўлган эҳтиёжни аниклаш, буюртмалар ва тақлифларни экспертизадан ўтказиш ҳамда мақсадли маблағ билан таъминлаш ва аҳолини тиббиёт мусахасалари орқали ушбу воситалар билан барқарор таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш.

2. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларни бир ҳафта муддатда соғлем авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиласарни тиббиёт маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича ҳар йилги тақлифларни тақдим этишини мусахасалари орқали бўлганини тиббиёт маданияти ошириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш масалаларида аёлларга тиббиёт маслаҳатлар бериш бўйича ишларини кучайтириш;

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларни күзларга, аёлларга ва ёш оиласарга тиббиёт хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оиласарда тиббиёт маданияти ошириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш масалаларида аёлларга тиббиёт маслаҳатлар бериш бўйича ишларини кучайтириш;

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда акушер-гинеколог кадрлар таркибини мустаҳкамласин, уларни зарур тиббиёт асбоб-анжомлар, замонавий препаратлар ва воситалар билан таъминласин;

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда акушер-гинеколог врачлар малакасини, шу жумладан республиканига етакчи клиникаларида ва чет элларда таҳжира ортириш асосида узлуксиз ошириш, тиббиёт ходимларининг

бўлмаган ҳалқаро ташкилотлар билан биргаликда республикага аёллар тиббиёт препаратлари ва воситалари билан таъминлаш юзасидан муруват ва ҳомийлик ёрдамларини жалб этиш ишларини фоаллаштириш;

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2002-2003 ўкув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 10-11-синфлари ўкувчиликнинг ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитишининг 2-3 йиллари ўкув дастурларига соғлом оила ва никоҳ, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича мутахassis тиббий ходимлар томонидан ўтказиладиган маҳсус факультатив дарслар киритишлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2002-2003 ўкув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 10-11-синфлари ўкувчиликнинг ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитишининг 2-3 йиллари ўкув дастурларига соғлом оила ва никоҳ, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича мутахassis тиббий ходимлар томонидан ўтказиладиган маҳсус факультатив дарслар киритишлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари ушбу қарорда назарда тутилаёттан чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазирини Ў.Султонов зими масига юклансин.

**Вазирлар Махкамасининг
Раиси**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 январь

И.Каримов

ФАОЛЛИК КҮРСАТИШМОҚДА

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда "Узбекистон Республика референдуми — миллий давлатчилик тараққиётининг мухим босқичи" мавзуида талабалар билан беллашув ташкил этди. Ўнда сўзга чиқсан Марказ раҳбари Аслиддин Болив мазкур сиёсий тадбирда ёшларниң фаол иштироки масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Рақамларга мурожат қиласиган бўлсак, биргина Самарқанд вилояти бўйича 1 миллион 418 минг фуқаро овов беришда иштирок этадиган бўлса, шулардан 38 минг нафар ёшлар илк бора ушбу тадбирда қатнашидилар.

Очиқ мулоқотда талаба ёшлар ҳам сўзга чиқиб, умумхалқ референдумида фаол иштирок этишларини байн қилдилар. Учрашув давомида вилоят ташаббускор гурухи аъзолари талаба ёшларниң саволарига жавоб бердилар.

Ўз мухбириимиз

«КЎНГИЛ ДАРЁСИННИНГ ГАВҲАРИ ТИЛДИР»

Карши компьютер-технология касб-хунар коллежа сўз мулкининг султони, бобомиз Алишер Навоийнинг ижодига бағишиб ўтказилган кечакана шундай номланди. Илм маскани талабаси Курбон Фармонов Навоий сиймосини саҳнада гавдалантириб, шоир ғазаларидан намуналар ўқиб берди. Шунингдек, Азиз Очилов, Азиз Раҳматуллаев, Умид Кодиров, Феруза Файзиева, Беҳзод Бобоқулловар эса Ҳусайн Бойқаро, Мўмин Мирзо, Фарҳод, Ширин ва Ҳусрав сиймоларини саҳнада гавдалантириди.

Йигит-қизларимиз намойиш этган саҳна кўринишларини томоша қилаётib, хаёлан Навоий даврига кайтиб, шу даврда яшаётгандек ўзимизни ҳис қилидик, — дейди Кашқадарё вилояти ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиги Руйиддин Рахимов. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёшлигимизнинг шеъриятга, адабиётта, қолаверса Ватанга бўлган муҳаббатини оширади, ёш қалбларни губорлардан холос этади.

Файзулла ЭШҚУЛОВ

СОГЛОМ ОНА — СОГЛОМ БОЛА
КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Эндиғина оёқлаган болакайнинг кўлидан тутсангиз, кўлини тортиб, мустақилликка ҳаракат қиллади. Эркинлик инсоннинг қонида мавжуд. Халқнинг иродаси мустақиллик. Мамлакатимиз истикололга эришган дамлардаги ойнинг ойдин шульласидек пирпираб нурланаётган кўзлардаги хаяжон, ҳайрат бекорга намланмаганди.

Ахир, мустақиллик йиллари-дагина оналаримиз, опа-сингилларимиз чинакамига эъзоз топди. Ахир, "аёл эркакдан камми", дея аёлларимиз энг оғир қўл меҳнатига ҳам жалб қилингандилар бир пайтлар. Бугун "Оналар оиласиз кўрки", дейилмоқда. "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", мустақиллигимиз туфайли, ҳукуматимизнинг оналарга шарқона эътибори сабаб юзага чиқди-ку!

Албатта, ҳар бир ота-она, айниқса, оналар фарзандларининг соғлом, дуркун, ўқимишли, одобли бўлиб вояга етишларини жуда-жуда исташади. Яхши оиласардан келин қилиш, куёв қилиш орзусида юришади.

"Фарзандларим ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилифи бошқа" - дейдиган элнинг вакилларимиз! Фарзандлар камолотида давлатимиз томонидан қилинаётган ҳайрли ишлар алоҳида эътирофа

лойик. Ахир жаҳон андоузалири асосида жиҳозланган "Оналар ва болалар", "Оила-вий" яримклиник шифохоналар, аёллар скирининг марказлари барча-барчаси оналаримизни, опа-сингилларимизни авайлаб-асрашга қаратилган.

"Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур", "Кудратли элнинг эса фарзандлари соғлом бўлур" — Мустақиллигимиз шиори! Бу каби улуг фоялар келажакда буюк давлат куришда муҳимdir.

Аёlinи эъзозлаган элнинг эртаси обод бўлади. Чунки, оиласа аёлнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Фарзандлар кўпроқ оналаридан тарбия олади. Айниқса, соғлом онадан, албатта, соғлом фарзанд туғилади. Юртни, элни ҳимоя сига жисмонан бакувват ўғлонлар ярайдилар. Юртни ҳимоя

қилиш — бу ота мерос тупроқни, заминни, ҳудудни ҳимояси бўлса, элни ҳимоя қилиш — оилани, болаларни, келажакни ҳимоя қилиш демакдир. Давлатимизнинг оналарга қилаётган юксак эътибори шундан. Мана бу йил "Карияларни қадрлаш йили", деб эълон қилинди.

"Кариси бор уйнинг париси бор", деган миллатнинг авлодларимиз. Ватанинг озод, мустақил бўлгач, миллатнинг қадимий анъаналари ҳам юзага чиқаверар экан. Бугун қарияларимзни, оналаримизни, фарзандларимизни эъзозлаяпмиз. Эртага, албатта, энгиз кудратли давлатга айланамиз.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Turkiston» мухбири



Азиз АКРОМОВ олган сурат

СПОРТ

ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, КАТЪИЯТ

Кўпчилик футбол ишқибозлари катта умидлар билан мамлакатимиз футбол биринчилигининг ўтган йилги чемпиони Фарғонанинг "Нефтьчи" жамоасини яқинда Москвада бўлиб ўтган МДХ давлатлари футбол жамоалари-нинг "ИТЕРА" турнирига кузатган зидик. Жамоа боз мурраббиси Юрий Саркисян ҳам гуруҳда пешқадам "Спартак" жамоаси эканлигини назарда тутиб, ҳеч бўлмагандан иккинчи ўрин учун кураш олиб боришилари хусусида ОАВ

«НЕФТЧИ» ГА НИМА БЎЛАДИ?

вакилларига дабдабали интервью бериб, муҳлисларимизни анча-мунча нарсадан умидвор қиласиган эди. Яхшиси, Юрий Вазгенович ҳали номаълум нарсага олдиндан чангчиқармасдан индамай қўя қолсалар ҳам маъқул бўлар экан. Негаки, вакилларимиз қолган жамоалар — Арманистоннинг "Пюник" ва Модлованинг "Шериф" жамоалари-нинг кучини етарли баҳолай олишмадими ё ўзларига ортиқча бино қўйишдими, нима бўлганда ҳам бу турнирдан ҳам қаторасига уч марта "ер тишлаб" қайтиши. Биринчи ўйинда Москванинг "Спартак" жамоасига йигитларимиз 0:3 ҳисобида ютқазишганини тушуниш мумкин. Зоро, галаба майдонга фақат шер, бургутдай бўлиб тушганларга ёрдир. Саркисян ва унинг шогирдларининг мўлжали, (тақтиқаси) ҳам биринчи ўйинда ютқазиш эди. Курашдан олдинги ютқазиш бўлгач, натижка ҳам шунга ярasha бўладида. Дунёнинг ҳеч бир мамлакати ҳеч бир талабор ҳеч қачон албатта ютқазаман деб ўзини руҳий томондан тайёрлаб баҳсга киришмайди. Демак, жамоамиз мұваффақиятсизлигига руҳий тайёрланмаганлиги омил бўлди, деган хуносага келишимиз мумкин. Иккинчи ўйинда ҳам "Пюник"нинг кучини етарли дараҷада баҳолай олмаслик, манманлик ҳампортларимизни 0:3 ҳисобидаги маглубиятга олиб келди. Бўлмаса тўғри, "Пюник" қаёқдао, "Нефтьчи" қаерада эди. Энг охирги илинжимиз — шарманда бўлмаслик ҳам, афсуски амалга ошмади. "Шериф" устидан қозонилиши шарт бўлган ғалаба ҳам 2:4 ҳисобида "Нефтьчи" "Фойда"сига маглубият бўлиб ёзилди. Хуллас, мәмлакатимиз футбол жамоасининг қўшиниларимиз — турнирида мұваффақиятли иштирок этган Туркманистон ва Қирғизистон вакилларидан қаери камлиги футбольимиз мутасаддилари ҳамда футболимиз жонкуярлари иштирокида на вбатдаги муҳокамалар жараёнда аниқланадиган бўлди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» мухбири

ЛИВАН

Собик вазир Илес ХУБЕЙКАНИНГ уйи олдида катта портлаш рўй берди. Натижада Илес Хубейка ва 2 нафар ўткинчи ҳалок бўлган. Бу портлашни бир томон "Моссад" Исройил разведкаси ўюштирган дейиши, иккинчи томон фаластилинлик айрим гурухларнинг иши, деб ҳисоблаяти.

Чунки ўз вақтида Илес Хубейка "Ливан кучлари" ҳарбий ташкилотга раҳбарлик қилган. 1982 йилда эса бу ташкилот Сабра ва Шатила лагерида яшаган фаластиликларни қирғин қилишда қатнашган экан. Ливан ҳукумати бу жиноятларни ўюштирища Ариэл Шарон ва Хубейкани айبلاغан. Хубейка эса бу айблорни рад этиб, ўлимидан олдин Исройил Башвирига қарши Бельгияда бўладиган судда гувоҳлик беришини маълум қиласиган.

Jinoyatga yarasha jazo

Тошкент шаҳрининг Миробод туманиндағи Мунис кўчасида турган Тимофейни ғармдан тикилган куртка-да кетаётган йигитга кўзи тушди-ю, хаёли бузилди.

"Хозир шу болага бир боллаб дўй үрсам, курткасини ечиб беради. Шу баҳонада курткали бўлиб қоламан" деб ўйлади у. Бироқ Сергей унчамунча дўй-пўписага курткасини ечиб берадиганлардан эмас экан. "А" деса, "Б" деди "Б" деса, "А" деб гапига кирмади. Мушт кўтарғанди, қаршилик кўрсатди. Бироқ орадаги тортишувда голиб чиқиш учун кўл кучини ишга соглан Тимофей, ниҳоят унинг курткасини ечиб олди.

Чарм курткасидан ҳам йигитлик фурури поймол бўлғанидан азият чеккан Сергей ишни қонуниш ҳал қилиш учун милицияга келди. Кўп ўтмай, милиция ходимлари Сернейнинг чарм курткасини Тимофейнинг эгнидан ечиб олиб бердилар.

Баъзан шундай зўравонлар ҳам учраб тураг эканки, айрим одамлар уларнинг қил-

УКРАИНА

АҚШ Украина қарши савдо санкциясини эълон қилди ва 23 январдан бу чеклов кучга кирди. Бунга республикада ўғирлик компакт-дискларининг ишлаб чиқарилиши кучайиб кеттанилиги ва бунга қарши ҳукуматнинг ҳеч қандай ҳаракатлар қўлмаётганилиги сабаб бўлди. Чет эл эксперларининг ҳисобига кўра, Украина ҳаддига 2,5 миллион лазер дисклари ишлаб чиқарилади. Уларнинг ярми ўғирлик ийли билан кўлга киритилади. Бу қароқчилик таъиқловчи қонун чиқаришини Вашингтон 2 йил давомида Украина ҳукуматидан талаб килиб келди, лекин улар бунга эътибор бермади. 23 январгача берилган муҳлат тугаб, АҚШ ҳукумати қатъий давлат бошлиги Леонид Кучма бу санкцияни давлатнинг ички ишига араплашиш, ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳарарат, деб баҳолаяти.

Ҳисоблаб чиқилганда, бундан Украина йилига 400 миллион АҚШ доллари ҳисобида зарар кўраркан. Америка томони талаблари амалга ошмагунча, бу санкция бекор килинмаслигини ва Украина Ташки савдо ташкилотига ҳам аъзо бўлишида муаммолар туғилишига ишора қиласиган.



ХОЗИР БИР ДЎК УРСАМ...

гўшт сотиб юрган, 1982 йилда туғилган Ф.Охуновни пи-чоқ билан кўркитиб, ундан 5 минг сўмни куртдай санаб олади. Эртаси куни эса унинг акаси Ф.Охуновдан 22 мингни шу йўл билан тортиб олади. Учинчи куни акса-ука бир четда қолиб, уларнинг отаси, 1960 йилда туғилган С. Охуновни нишонга олади. Бироқ уни кўркитишнинг иложини тополмагач, товламачилик йўлига ўтиб, зўрга 8,5 мингни кўлга киритади.

Ажабланарлиси шундаки, 35 минг 500 сўм пулидан айрилган ота-болалар негадир бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар қилмайдилар. Бироқ башка бир қилмиши уни ички ишлар ходимларига рўбарў килди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани

ДУШАНБА, 28 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».

8.00-8.45 «Таҳлилнома».

8.45-17.55 ТВ маркет.

8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастури.

9.25, 11.35 ТВ метео.

9.30 «Туртнин ҳокимият».

9.50 «Ўзбекteleфильм» намойиши: «Абрисим».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «У дунддан келган котил».

11.40 «Рангнин дунё».

12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

12.35 «Ўзбекистон интихорлари».

Спорт дастури.

12.55 «Қайғит».

13.30 «Ошинг». Телесериал.

14.10 «Олтин тоҳ». Телевизион йиғин.

14.30, 15.55, 17.25 ТВ анонс.

14.35 Кундузги сеанс: «Метичара - денгиз жонивори». Бадий фильм.

16.00 «Бир зумда».

16.10 «Бир ажаб фасл». Телеальманах.

16.35 «Ягона оиласда».

17.05 «Қалб гавҳар».

17.30 Эстрада тароналари.

18.10 «Митингвойлар оиласи».

18.30 Бир жуту қушки.

18.45 «Баҳти воеҳа». Телелоторея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртаклари.

20.50 Биржа ва банде ҳабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Ўзумхаллар референдуми - ҳалк иродасининг ифодаси».

21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

21.45 «Спорт, спорт, спорт».

21.55 2002 йил - қарияларни кадрлаш. «Париси бор ўй».

22.25 «Нурил маңзиллар».

22.45, 23.5 дарахали бурчак остида». Телесериал премьера.

23.10 «Ахборот - дайкест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр тонги.

10.00 «Яғиг авлод» студияси: «Ўй вазифаси».

10.50 Ватан ҳақида қўшиклар.

11.00 «Давр» ҳафта ичидা.

11.35 Жаҳон ҳуғроғиаси.

12.25 Мусикил даҳзалар.

12.35 «Давр-news».

12.55 «Ўмр дағфари». Турғин Алиматов. З-қисм.

13.20 «Диенатга ҳиенат». Мукиими номидаги Ўзбек давлат мусикий театрининг спектакли. 1-қисм.

14.20 Автолатланат.

14.35 «Диенатга ҳиенат». Мукиими номидаги Ўзбек давлат мусикий театрининг спектакли. 2-қисм.

15.20 «Кусто командасининг сувости саргузашлари». Телесериал.

16.05 «Озод ёрт фарзандлари».

16.20 «Олимзор». Бадий фильм.

17.35 Спорт ҳафтаномаси.

17.55 Кўрсатувлар дастури.

18.20 «Ақа-ука Гримм эртаклари».

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иклим.

18.00 «Давр». Ахборот дастури.

18.35 «Иккисод news».

18.35 «Чинчи салёра». Майрифий дастури.

20.08 «Ешлар авлод».

20.25 «Харән».

20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.

21.00 «Ешлар» телеканалида премьера.

21.20 «Эсмәралда». Телесериал.

21.20-21.25 Қишлоқлар тенгдоши.

21.40 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 Тунги тароналар.

22.40 «Мұхаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффуз пайтида.

23.50 «Давр». Ахборот дастури.

00.50-00.55 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 Бадий ҳафтаси.

17.30 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошинг». Телесериал премьера.

22.00 «Мувозанат».

22.25 «Келин-күёв». Телешоу.

22.35 «Ахборот-дайкест».

23.55-00.00 Ватан тимсоллари.

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шархи.

8.55 «Ўзбекteleфильм» намойиши: «Ўзбекистон жаҳохилари».

9.10, 10.20 ТВ - метeo.

9.15 «Нурил маңзиллар».

9.35 «Санъатга баҳшида умр».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

